

**“Агробанк” АТБ**  
Кенгаши йиғилишининг  
2016 йил “ 1 ” июндаги  
9/1 - сонли қарори билан  
**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**

**“Агробанк” АТБ**  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2016 йил “ 24 ” июндаги  
33 - сонли баёни билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг  
манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида  
ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида  
Низом**

- 1-§. Умумий қоидалар**
- 2-§. Фаолияти назорат қилинадиган шахслар**
- 3-§. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилигини бошқаришни ташкил қилиш тамойиллари**
- 4-§. Манфаатлар қарама-қаршилигини келиб чиқиш шартлари (белгилари)**
- 5-§. Манфаатлар қарама-қаршилигини келиб чиқишини олдини олиш**
- 6-§. Манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш ва бартароф қилиш**
- 7-§. Яқуний қоидалар**

### **1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”, банк Устави ва банкнинг бошқа ички ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизимида манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатини аниқлаш ва уни бошқариш тартибини белгилайди.

2. Банк фаолияти давомида унинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозларининг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасида Бошқарув органлари, мансабдор шахслари, назорат вазифаси юклатилган масъул ходимларнинг ҳаракати ва/ёки ҳаракатсизлиги натижасида банкнинг акциядорлари манфаатига зарар етказилиши мумкин бўлган манфаатлар қарма-қаршилиги вужудга келиши мумкин.

Бундан ташқари, банкнинг акциядорлари ҳамда Бошқарув органлари ва назорат вазифаси юклатилган ходимлари ўртасида, банкнинг акциядорлари ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги, яъни корпоратив манфаатларни қарама-қаршилиги вужудга келиши мумкин.

3. Мазкур Низомда манфаатлар қарама-қаршилиги вужудга келишининг куйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

-Мажоритар ва миноритар акциядорлар ўртасида вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилиги;

-Бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасида вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилиги;

-Бошқарув органлари ҳамда назорат вазифаси юклатилган таркибий тузилмалар, мансабдор шахслар, ходимлар ва мижозлар ўртасида вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилиги;

-Банк ҳамда мансабдор шахслар, ходимлар томонидан уларга юклатилган хизмат вазифасини бажариш вақтида вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилиги.

## **2-§. Фаолияти назорат қилинадиган шахслар**

4. Ушбу низом талаблари банкнинг Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, назорат вазифаси юклатилган таркибий тузилмалар ва ходимлар, лавозим даражаси ва хизмат вазифасидан қатъий назар банкнинг барча ходимлари фаолиятида амал қилиниши шарт.

5. Мазкур низом талаблари фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида банк билан муносабатларга киришган жисмоний шахсларга - улар билан тузилган шартномада тегишли вазифалар юклатилган ҳолларда, ички тартибда белгиланган ҳолларда ёки қонунчилик талабига мувофиқ ушбу низом талабларига амал қилиш мажбурияти келиб чиқадиган ҳолларда ҳам қўлланилади.

## **3-§. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилигини бошқаришни ташкил қилиш тамойиллари**

6. Банкда манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

-манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин бўлган ва келиб чиққан ҳолатларни ошкор қилишнинг мажбурийлиги;

-манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш ва бошқаришда ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашиш ва банк учун ишчанлик қобилияти (репутация) таваккалчилигини баҳолаш;

-манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш ва бошқаришда ахборотнинг ошкор қилиш жараёнини қатъий махфийлигини таъминлаш;

-манфаатлар қарама-қаршилигини бошқаришда банкнинг бошқарув ва назорат органлари, унинг ходимлари ҳамда банк манфаатлари ўртасида мутаносибликни сақлаш;

-манфаатлар қарама-қаршилигини ҳолати бўйича ахборотни ўз вақтида ошкор қилган ходимлар, бошқарув ва назорат органларига тазйик ўтказилишидан ҳимоя қилиш.

## **4-§. Манфаатлар қарама-қаршилигини келиб чиқиш шартлари (белгилари)**

7. Қуйидагилар натижасида банкнинг миноритар ва мажоритар акциядорлари, Бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин:

-қонунчилик талаблари, норматив ҳужжатлар ва банкнинг ички ҳужжатлар талабларига амал қилинмаслиги;

-миноритар акциядорларнинг банк фаолиятини юритишда қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат қилиш, шунингдек банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнига кучли таъсир кўрсата олмаслик;

-аффилланган шахслар билан битимлар тузиш ҳамда йирик битимлар тузишда бу битимларни тузилиши бўйича қарор қабул қилиш ваколати юклатилган органнинг олдиндан розилиги олинмаслик;

-Бошқарув органлари томонидан банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилувчи қарорлар қабул қилиниши;

-Бошқарув органлари ва мансабдор шахслар томонидан уларнинг бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан аффилланган шахслиги тўғрисида тўлиқ ва ўз вақтида ахборот бермаслиги.

8.Қуйидагилар натижасида банкнинг Бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва мижозлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин:

-қонунчилик талаблари, норматив ҳужжатлар, таъсис ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатлар талабларига амал қилинмаслиги;

-акциядорларнинг манфаатларини устунлик тамойилига риоя қилмаслик;

-бизнес этикаси нормалари ва профессионал этика тамойилларига риоя этмаслик;

-банк ва мижозлар томонидан шартномавий мажбуриятларини бажарилмаслик;

-қонунчилик ва банк ички тартиб-қоидалари бўйича ўз мансаб ваколатларини бажармаслик.

9.Қуйидагилар натижасида банк ҳамда мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин:

-қонунчилик талаблари ва банкнинг ички ҳужжатлар талабларига амал қилинмаслиги;

-бизнес этикаси нормалари ва профессионал этика тамойилларига риоя этмаслик;

-банк билан ўзи ва уларга аффилланган шахсларни тижорат муносабатларига киришиши;

-банк билан бизнес олиб боровчи бошқа компанияларга молиявий манфаатдорликни мавжудлиги;

-банк билан иш юзасидан муносабатларга киришган бошқа ташкилотга ўриндошлик асосида ишлаш, раҳбар бўлиш, мансабдор шахс бўлиш ёки унинг бошқарув органларида ишлаш;

-банк манфаатларига зид равишда бошқа ташкилотларга иш юзасидан имконият яратиш.

## **5-§. Манфаатлар қарама-қаршилигини келиб чиқишини олдини олиш**

10.Банк устави ва ички ҳужжатларида манфаатлар қарма-қаршилигини олдини олиш ва у вужудга келганда уни бошқаришнинг умумий механизмлари белгилаб қўйилган.

11.Мазкур Низом манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш учун банкнинг Бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва

ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чораларни белгилаб беради.

12. Ҳар қандай турдаги манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш учун банкнинг Бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

-қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, банк устави ва ички ҳужжатлари талабларига амал қилиш;

-банкнинг даромадлилигини стратегик ва бизнес-режада белгиланган кўрсаткичларга етказилишини таъминлаш;

-манфаатларни қарама-қаршилигини келтириб чиқарувчи қарорлар ва ҳаракатлардан чекланиш;

-банкни самарали бошқарилишини таъминлаш;

-банкни жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш каби ноқонуний фаолиятга кириб қолишини олдини олиш;

-банк фаолияти учун асосий даромад манбалари бўлган фаолиятнинг максимал даромадлиликка етказилишини таъминлаш;

-қонунчилик талабларига асосан ҳар чоракда банк Кенгашига ҳисоботлар бериш;

-банк устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички назоратни жорий қилиш;

-қонунчиликда белгиланган йирик битимлар, алоҳида ёки ўзаро боғлиқ бўлган биргаликдаги суммаси белгиланган миқдордан ошувчи битимларни ваколатидан келиб чиқиб банк Кенгаши ва акциядорларни умумий йиғилиши қарори асосида амалга ошириш;

-назорат органлари томонидан барча йирик ва аффилиланган шахслар билан амалга оширилган битимларни доимий ўрганиб борилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

-қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва зарурият туғилганда банк Кенгаши томонидан қарорлар қабул қилишда активларнинг баҳосини аниқлаш учун мустақил экспертларни жалб қилиш;

-аффилиланган шахслар ҳисобини юритиш;

-“Аффилиланган шахслар, банк акциядорлари ва уларнинг аффилиланган шахслари билан амалиётларни бажариш Тартиби”ни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

-банкнинг ваколатли органининг олдиндан розилигисиз аффилиланган шахслар билан битимлар тузмаслик;

-юқори орган руҳсатисиз бошқа ташкилотлар бошқарув ва назорат органларига кирмаслик (аъзо бўлмаслик);

-банкнинг ахборот сиёсати ва қонунчилик талабларига мувофиқ банк фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаш;

-акциядорларга, назорат қилувчи органларга, кредиторларга, бошқа манфаатдор тарафларга ҳамда реклама мақсадида тақдим қилинадиган молиявий ва бошқа ҳисоботларни ҳаққонийлигини таъминлаш;

-банкнинг ходимлари ва мансабдор шахслари томонидан уларнинг хизмат вазифасини бажаришда маълум бўлган банк тўғрисидаги ахборотларни ўз шахсий мақсадлари учун фойдаланмаслигини таъминлаш;

-оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот тарқатиш воситаларидаги банк тўғрисидаги салбий ахборотларни ҳаққонийлиги ва тўғри ёндашилганлигини назорат қилиб бориш. Тарқатиладиган ҳар бир салбий ва нотўғри ахборотларни ўрганиб бориш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

-банк ички назорат тизимидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

-бошқарув органлари ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг адекватлигини таъминлаш, уларнинг миқдорини эришилган ютуқлар натижасига мутаносиблигини таъминлаш;

-профессионал ва корпоратив этика тамойилларини таъминлаш.

13.Банкнинг Бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, ходимлар ва мижозлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқишини олдини олиш ва уни бошқариш мақсадида қуйидагилар ҳам амалга оширилиши шарт:

-Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, норматив ҳужжатлар, банк устави ва ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ миноритар ва мажоритар акциядорлар ҳуқуқларини таъминлаш;

-қонунчилик талабларига мувофиқ ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотни ўз вақтида акциядорларга етказилишини таъминлаш;

-ҳисобланган дивидендларни ўз муддатида тўланишини таъминлаш;

-акциядорларга қарама-қаршиликларни туғдириши мумкин бўлган саволлар бўйича асосли ахборотларни тақдим қилиш;

-рақобатчи ташкилотлар акцияларини сотиб олиш бўйича битимлар тузишда ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларига иштирок этиш учун банкнинг бошқарув органлари қизиқиши бўлган операцияларни аниқлаш;

-банк Кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларни объектив, бетараф ва жамият ривожлантириш стратегиясига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг таркибига мустақил номзодларни киритишга интилиш.

14.Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлар ҳамда мижозлар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқишини олдини олиш ва уни бошқариш мақсадида банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

-белгиланган тартибда банк тўғрисидаги ахборотларни бериб бориш;

-тижорат сири ва қонунчилик талаблари асосида ошкор қилинмаслиги белгилаб қўйилган ахборотлардан фойдаланишда уларнинг сирлигини таъминлаш;

-хизмат кўрсатишда ошкор қилинган тарифлар бўйича ва шартномада келишилган суммада тўловларни ундирилишини таъминлаш;

-банк ишчанлик обрўйига салбий таъсир қилувчи миждозлар билан ишламаслик;

-ўз миждозларига хизмат кўрсатишда профессионал ва виждонан ёндашиш;

-миждозлар томонидан ошкора хатоликларга (шу жумладан шартнома имзолашда, талабнома беришда) йўл қўйилганда бу хатодан ўз мақсади йўлига фойдаланмаслик ва бу хатони тўғрилашга амалий ёрдам бериш;

-миждозга хизмат кўрсатиш давомида тавсиялар беришда бу борадаги мавжуд ахборотларни виждонан таҳлил қилган ҳолда тавсиялар бериш;

-банкнинг фаолияти давомида йиғилган ҳамда хизмат ёки тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотлар ва тажрибалар йиғилган қоғоз, магнит тасма, электрон ёки бошқа воситалардаги ахборотлар тегишли бошқарув органи рухсатсиз нусха олиш, сотиш, бировга бериш, алмаштириш ва бошқа шу каби тарқатилишини олдини олиш тизимини такомиллаштириш.

15.Мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан ўз хизмат вазифасини ижро этишда банк ҳамда улар ўртасида манфаатларнинг қарама-қаршилиги келиб чиқишини олдини олиш мақсадида улар қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

-бизнес этикаси нормалари ва профессионал этика тамойилларига риоя этиш;

-шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

-банк билан рақобатдош ташкилотлар акцияларини сотиб олиш ёки устав капиталига иштирок этишда юқори бошқарув ва назорат органини билдирган ҳолда бу каби операцияларни амалга ошириш;

-манфаатлар қарама-қаршилигини келтириб чиқарувчи ҳолатларни вужудга келишидан олдин юқори бошқарув органини бу тўғрида ўз вақтида огоҳлантириш;

-банк билан тижорат операциялари олиб бораётган ёки олиб бориши режалаштирилган мансабдор шахс ёки унинг оила аъзоларининг молиявий қизиқиши мавжуд бўлган ёки аффилиланган ташкилотлар тўғрисида юқори мансабдор шахсга ёзма билдириш;

-банк ҳамда мансабдор шахс ёки унинг оила аъзоларининг молиявий қизиқиши мавжуд бўлган ёки аффилиланган ташкилот муносабатларига бевосита таъсир қилувчи ҳар қандай ҳаракатлар қилишдан чекланиш;

-банк манфаатлари билан манфаатлари қарама-қарши бўлган ҳар қандай ташкилотнинг бошқарув органи таркибига киришдан олдин банк Кенгаши розилигини олиш;

-бошқа ташкилотларга ўриндошлик асосида ишлаш хоҳиши ва бу иш банкнинг манфаатларига зид эмаслиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни огоҳлантириш.

## **6-§. Манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш ва бартараф қилиш**

16.Банкда вужудга келган манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш ва бартараф этиш учун банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари банкнинг манфаатларига мос келадиган судга мурожаат қилишгача бўлган қонуний ва асосланган ечим қидиради.

17.Банк Бошқаруви раиси акциядорлар ва мижозлар томонидан бошқарув ва назорат органлари, корпоратив котиб ва барча таркибий бўлинмаларга келиб тушадиган ёзма ва оғзаки талабнома, хат ва аризаларнинг ҳисобини юритилиши ҳамда ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаши лозим.

18.Корпоратив қарама-қаршиликларнинг ҳисобини юритиш вазифаси банкнинг корпоратив котибга юклатилади. Банкнинг корпоратив котиби корпоратив қарама-қаршиликка олдиндан баҳо бериб, масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб унга ойдинлик киритувчи ҳужжатларни тайёрлайди ва банк Кенгаши розилиги билан ушбу масалани ечиш ваколати мавжуд таркибий тузилмага тақдим этади.

19.Банкнинг корпоратив котиби тез-тез такрорланиб турувчи масалаларни таҳлил қилади, таҳлил натижалари бўйича қарама-қаршиликка киришган барча тарафларга кўшимча ахборот бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки банк Кенгаши раисига бу каби манфаатларни қарама-қаршилигини келиб чиқишига сабаб бўлаётган ички тартиб ва қоидаларни ўзгартириш, қарама-қаршиликни келиб чиқишини бартараф қилувчи бошқа таклифлар беради.

20.Мижоз ёки бошқа манбалардан қарама-қаршилик ҳолати бўйича ахборотга эга бўлган ходим зудлик билан бу тўғрида мансаб лавозими бўйича ўзидан юқори ходимни огоҳлантириши шарт. Агар қарама-қаршиликни таркибий тузилма миқёсида ечиш имконияти бўлмаса таркибий тузилма раҳбари бир иш куни ичида банк Бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосарини қарама-қаршилик, унинг келиб чиқишига сабабчи бўлган омиллар ҳамда уни бартараф қилиш учун кўрилган чоралар тўғрисида огоҳлантириши шарт. Банк Бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосари манфаатларни қарама-қаршилигини бартараф қилиш усулини белгилайди ва масъул шахс белгилайди. Зарур ҳолларда эса қарама-қаршиликни бартараф қилиш учун комиссия тузилиши мумкин.

21.Манфаатларни қарама-қаршиликни бартараф қилиш учун белгиланган масъул ходим ёки комиссия қарама-қаршиликни бартараф қилишнинг барча чораларини кўради. Агар уни бартараф қилиш имконияти



бўлмаса, банк Бошқаруви раиси ушбу масалани Бошқарув йиғилиши муҳокамасига киритади ва банк Кенгашига тўлиқ ахборот тақдим қилади.

22.Бошқарув томонидан манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича тақдим қилинган ахборот банк Кенгаши томонидан манфаатлар қарама-қаршилигининг банк фаолиятидаги таъсири, унинг ҳажми ва бошқа шу каби кўрсаткичларидан келиб чиқиб унинг навбатдаги йиғилиши муҳокамасига киритади ёки ушбу масалани зудлик билан ҳал қилиш мақсадида навбатдан ташқари йиғилиш чақириши мумкин.

23.Банк Бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосари манфаатларига таъсир қилувчи ёки таъсир қилган ҳар қандай манфаатлар қарама-қаршилиги тўғрисидаги ахборот 3 иш куни муддатда банк Кенгаши муҳокамасига киритилиши ва унинг бартараф қилиш учун қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш учун аниқ шахслар белгиланиши лозим.

24.Вужудга келган манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш ва бартараф қилишда банкнинг қабул қилинган ички ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ёки янги тартиб қабул қилиниши лозим бўлса банк Кенгаши ёки Бошқаруви ўз ваколат доираларидан келиб чиқиб тегишли қарор қабул қилишлари лозим.

25.Банкнинг бошқарув органлари вужудга келадиган ҳар қандай манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш учун қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

-вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини имкон қадар тез аниқлаши ва унинг вужудга келиш сабабларини ўрганиши;

-банкнинг бошқарув органлари ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ чегаралашлари;

-манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилиш бўйича масъул ходимни белгилаши, лозим ҳолларда эса комиссия тузишлари;

-имкон қадар тезкорлик билан манфаатлар қарама-қаршилиги бўйича банкнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг қарашларини аниқлаш, банк манфаатларини ҳимояси бўйича қарорлар қабул қилиш ва қарама-қаршилиқдан манфаатдор тарафларга етказиш;

-манфаати банк манфаати билан қарама-қарши келган тарафга банкнинг асосланган нуқтаи-назари акс эттирилган тўлиқ ва асосланган жавоб бериш, манфаати қарама-қарши томонга уларнинг талабларини ижро этилмаслиги бўйича қонунчилик, норматив ҳужжатлар, банк устави ёки ички ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, уларга асосан жавоб бериш;

-манфаатлар қарама-қаршилигини бартараф қилишга иштирок этувчи масъул шахслар уларнинг ёки уларнинг оила аъзоларининг манфаатларини ҳам келтириб чиқариши мумкин бўлган ёки келтириб чиқарадиган ҳолатлар бўйича зудлик билан маълум қилиш;

-манфаатдор шахсларни манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолатларини бошқариш ва бартараф қилиш жараёнига иштирок этмаслигини таъминлаш.

26. Акциядорлар, банк бошқаруви органлари ва акциядорлар ўртасида вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

-банк акциядорлари ўртасида вужудга келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солишда банк Кенгашининг мустақил аъзосини воситачи сифатида иштирок этиши;

-масъул ходим манфаатлари зид келган акциядорлар ўртасида зиддиятга тегишли ўзида мавжуд ахборотларни тақдим қилган ёки қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларини тушунтирган ҳолда музокараларга воситачи сифатида жалб қилиниши мумкин;

-банкнинг ваколатли органлари ёки ваколатли шахслари акциядорларга манфаатлар қарама-қаршилиги ҳолати бўйича тушунтириш ва тавсиялар бериши, вазиятни бартараф қилиш бўйича акциядорларга имзолатиш учун ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлашлари, ўз ваколат доираларидан чиқиб кетмаган ҳолда банк номидан акциядорлар олдида мажбурият олишлари мумкин;

-банкнинг бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида зиддиятларни бартараф қилиш бўйича қабул қилинган қарорларни ижро этишлари ҳамда бу қарорларни бошқа тарафлар томонидан ижро этилишига амалий ёрдам кўрсатишлари лозим. Агар банк ва зиддиятли вазият тарафлари ўртасида уларнинг мажбуриятлари бўйича мунозарали вазият бўлмасдан, қабул қилинган қарорни ижро муддати ва бошқа шартлари бўйича турли қарашлар бўлса, банк зиддиятли вазиятни тартибга солишни давом эттириши ва манфаатлари қарама-қарши акциядорлар талабини қондириш шартларини маълум қилиши лозим;

-агар банк томонидан манфаатдор акциядорни талабини қондириш учун банкнинг ички ҳужжати, устави ёки қонунчилик талабига мувофиқ мазкур акциядордан қандайдир ҳаракатларни амалга оширилиши талаб қилинса, акциядор талабига берилган жавобда ушбу шартларни аниқ кўрсатиб бериши лозим (бунда маълум бир ишларни амалга ошириш учун тўловлар, акциядордан маълум бир ҳужжатларни тақдим қилиш ва бошқа шу кабилар назарда тутилган).

27. Манфаатлар қарама-қаршилигини тартибга солиш ва бошқаришнинг юқорида қайд этилган услублари чегара бўлмасдан, ҳар бир ҳолат моҳиятидан келиб чиқиб, зиддиятни бартараф қилишнинг бошқа мақбул усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

## **7-§. Яқуний қоидалар**

28. Ушбу низом ҳамда унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

29. Агар ушбу низомнинг алоҳида бандлари амалдаги қонунчилик талаблари ёки банкнинг устави талабларига зид бўлса, ушбу банд ўз кучини

Йўқотган ҳисобланади ва ушбу қисм бўйича масалалар қонунчилик талаблари ёки устав талабларида белгиланган тартибда ижро этилади. Зид бандлар акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида ўзгартирилиши лозим.